

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ҚОНУНИ
06.05.1994 й.
N 1060-ХП**

**ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛГАН ДАСТУРЛАР ВА
МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ТҮҒРИСИДА**

Мазкур Қонунга қўйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
ЎзР 05.04.2002 й. 364-П-сон Қонуни,
ЎзР 30.08.2002 й. 405-П-сон Қонуни

Муқаддима

- 1-модда. Асосий тушунчалар
- 2-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар
- 3-модда. Ҳуқуқий ҳимоя обьекти
- 4-модда. ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини эътироф этиш шартлари
- 5-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатлари
- 6-модда. Муаллифлик, шахсий ва мулкий ҳуқуқлар
- 7-модда. Мулкий ҳуқуқларни ўзгаларга ўтказиш
- 8-модда. Хизмат вазифаларини бажариш тартибида яратилган ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳуқуқлар
- 9-модда. ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқи ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш
- 10-модда. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш
- 11-модда. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида фойдаланиш
- 12-модда. ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларидан эркин нусха олиш ва уларнинг адаптацияси
- 13-модда. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасини эркин олиб сотиш
- 14-модда. Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш
- 15-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши
- 16-модда. Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари

Ушбу Қонун ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Қорақалпоғистон Республикасида ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси борасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

1-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар:

маълумотлар базаси - обьектив шаклда ифодаланган ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) ёрдамида топиш ва ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга

солинган маълумотлар (масалан: мақолалар, ҳисоб-китоблар) мажмуи; (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши)

ЭҲМ учун яратилган дастур - муайян натижা олиш мақсадида ЭҲМ, ЭҲМ шоҳобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи;

бошланғич матн - бирорта дастурлаш тилида ёзилган, бирон-бир компилятор қайта ишламаган матн;

объект коди - бошланғич матннинг машина кодига айлантирилиши натижасида юзага келган дастур;

ЭҲМ учун яратилган дастурни декомпиляция қилиш - ЭҲМ учун яратилган дастурнинг таркибий тузилиши ва кодланишини ўрганиш мақсадида объект кодини бошланғич матнга айлантиришни ўз ичига оладиган техникавий усул;

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг адаптацияси - юзага келган муайян шароитда ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг ишлашини таъминлаш мақсадидагина амалга ошириладиган ҳамда (декомпиляция қилиш оқибатида) муаллифнинг бошланғич матни ўзгаришига олиб келмайдиган қўшимчалар киритиш;

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялаш (қайта ишлаш) - уларни адаптация деб ҳисобланмайдиган ва бошланғич матн ўзгаришига олиб келадиган ҳар қандай тарзда ўзгартириш;

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан нусха олиш - ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ҳар қандай моддий шаклда битта ёки кўпроқ нусхада тайёрлаш ҳамда уларни ЭҲМнинг хотирасига ёзиш;

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини тарқатиш - ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг ҳар қандай моддий шаклда, шу жумладан тармоқлар воситасида ва бошқа усуллар ёрдамида, шунингдек сотиш, прокатга бериш, ижарага топшириш, қарзга бериб туриш, жумладан ушбу мақсадларнинг исталгани учун импорт қилиш йўли билан олинган нусхаларидан фойдаланишни таъминлаш;

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини босиб чиқариш (эълон қилиш) - ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхаларини муаллифнинг розилиги билан номуайян шахслар доирасига бериш (шу жумладан ЭҲМ хотирасига ёзиш ва босма матн чиқариш йўли билан бериш);

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш - уларни босиб чиқариш, улардан нусха олиш, уларни тарқатиш ҳамда хўжалик муомаласига (жумладан, модификациялаштирилган шаклда) киритиш юзасидан бошқа ҳаракатларни амалга ошириш. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг босиб чиқарилганлиги тўғрисидаги хабарларни оммавий ахборот воситаларининг маълум қилиши ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш деб эътироф қилинмайди.

Хукуқ эгалари - муаллиф, унинг меросхўрлари, шунингдек қонун ёки шартнома асосида мутлақ шахсий ва мулкий хукуқларга эга бўлган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахслар.

2-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки битимларида ушбу Қонунда назарда тутилганидан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ҳуқуқий ҳимоя объекти

Ушбу Қонун ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини муаллифлик ҳуқуки объектлари сирасига киритади.

Вазифаси ва афзаликларидан қатъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (ҳаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭХМ учун яратилган ҳар қандай дастурлар ва маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуки татбиқ этилади. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни таҳриридаги жумла) ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуки токи акси исботланмагунга қадар сақланиб қолаверади.

Ушбу Қонун билан бериладиган ҳуқуқий ҳимоя:

хар қандай дастурлаш тилида ва ҳар қандай шаклда ифодаланиши мумкин бўлган ЭХМ учун яратилган дастурларнинг барча хилига (шу жумладан, операция тизимлари ва дастурий мажмуаларга) нисбатан, бошлангич матн ва объект кодига нисбатан ҳам, шунингдек маълумотларни танлаш ва ташкил этиш бўйича ижодий меҳнатнинг натижаси бўлган маълумотлар базаларига нисбатан татбиқ этилади;

ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари ёхуд уларнинг бирон-бир қисмига асос бўлган ғоялар ва принципларга, шу жумладан интерфейс ҳамда алгоритм ташкил қилиш ғоялари ва принципларига, шунингдек дастурлаш тилларига нисбатан татбиқ этилмайди.

4-модда. ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини эътироф этиш шартлари

ЭХМ учун дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан муаллифлик ҳуқуки улар яратилгач юзага келади. ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуки эътироф этилиши ва рўёбга чиқарилиши учун рўйхатдан ўтказиш ёки ўзга расмиятчиликларга риоя этиш талаб қилинмайди.

Муаллифлик ҳуқуки обьекти бўлмаган материаллардан (асарлардан) таркиб топган маълумотлар базасига нисбатан муаллифлик ҳуқуки маълумотлар базасини яратган шахсларга тегишли бўлади.

Бошқа шахснинг муаллифлик ҳуқуки обьекти бўлган материалларни ўз ичига олган маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуки бундай материалларнинг ҳар бирига нисбатан муаллифлик ҳуқуқига риоя қилинган такдирдагина эътироф этилади.

Маълумотлар базасига киритилган материалларнинг ҳар бирига нисбатан муаллифлик ҳуқуки сақланади. Бу материаллар маълумотлар базасидан қатъи назар ишлатилиши мумкин.

Маълумотлар базасига бўлган муаллифлик ҳуқуки бошқа шахсларнинг ушбу маълумотлар базасига кирган материаллар ва асарларни мустакил равишда танлаши ва ташкил этишига монелик қилмайди.

Ҳуқук эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш мақсадида ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг биринчи бор босиб чиқарилишидан эътиборан муаллифлик ҳуқуқининг уч қисмдан: доира ёки кичик қавс ичига олинган "С" ҳарфи; ҳуқук эгасининг номи (исми); ЭХМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси биринчи бор босиб чиқарилган йил кўрсатилган ёзувдан таркиб топган ҳимоя белгисини кўллаши мумкин.

ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуки уларнинг моддий ашёсига нисбатан мулк эгалиги ҳуқуки билан алоқадор эмас. Моддий ашёга нисбатан бўлган ҳуқуқларни ўзгаларга ҳар қандай тарзда бериш ЭХМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларидан бирортасининг ўзгаларга ўтиб қолишига сабаб бўлмайди.

5-модда. Муаллифлик хуқуқининг амал қилиш муддатлари

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига бўлган муаллифлик хуқуқининг амал қилиш муддатлари қонун хужжатларида қўзда тутилган муаллифлик хуқуқи нормаларига мувофиқ белгиланади.

6-модда. Муаллифлик, шахсий ва мулкий хуқуқлар

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига муаллифлик, шунингдек муаллифнинг (муаллифларнинг) ёки ўзга хуқуқ эгасининг шахсий ва мулкий хуқуқлари амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ аниқланади. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи (муаллифлари) ёхуд ўзга хуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялашни, шу жумладан дастурни бир дастурлаш тилидан бошқа тилга ўтказишни амалга ошириш ва (ёки) амалга оширишга рухсат этиш борасида мутлақ хуқуқка ҳам эгадир.

7-модда. Мулкий хуқуқларни ўзгаларга ўтказиш

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий хуқуқлар шартнома бўйича ўзга жисмоний ёки юридик шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Шартнома ёзма шаклда тузилади ва унда албатта куйидагилар белгилаб қўйилади: ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳажми ва усуслари, ҳақ тўлаш тартиби ва мукофот пули миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий хуқуқлар қонунда белгиланган тартибда мерос бўлиб ўтади.

8-модда. Хизмат вазифаларини бажариш тартибида яратилган ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий хуқуқлар

Хизмат вазифаларини бажариш тартибида ёки иш берувчининг топшириғига биноан яратилган ЭҲМ учун дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий хуқуқлар иш берувчига, башарти у билан муаллиф ўртасидаги шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, тегишли бўлади.

Ҳақ тўлаш тартиб ва мукофот пули миқдори муаллиф билан иш берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига нисбатан мулкий хуқуқларга эга бўлган ташкилот ёки корхона (мулкчилик шаклидан қатъи назар) қайта ташкил қилинса, тарқатиб юборилса ёки тугатилса, барча мулкий хуқуқлар тегишли равишда суднинг ёки тугатиш комиссиясининг қарорига кўра муаллифга (муаллифларга), давлатга ёки бошқа хуқуқий ворисга ўтказилиши мумкин.

9-модда. ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш хуқуқи ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни таҳриридаги модда номи)

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларига нисбатан барча шахсий ва мулкий ёки шартномага кўра факат мулкий хуқуқларга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг жисмоний ёки юридик шахслари дастурлар ёки

маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини бевосита ёки ўз вакили орқали Дастурий маҳсуллар давлат реестри ёки Маълумотлар базалари давлат реестрида (матнда бундан бўён Реестр деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (бундан бўён матнда Патент идораси деб юритилади) талабнома бериш орқали рўйхатдан ўтказади. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш сўралган талабнома (матнда бундан бўён рўйхатдан ўтказиш талабномаси деб юритилади) ЭҲМ учун яратилган битта дастур ёки битта маълумотлар базасига таалукли бўлиши керак. Рўйхатдан ўтказиш талабномасини расмийлаштириш қоидаларини Патент идораси белгилайди. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Рўйхатдан ўтказиш талабномаси келиб тушгач, Агентлик керакли ҳужжатларнинг борйўқлиги ва қоидаларнинг талабларига қанчалик мувофиқлигини текшириб чиқади. Текшириш натижаси ижобий бўлса, Патент идораси ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини тегишли Реестрга киритади, талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувохнома топширади ҳамда рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларига доир маълумотларни Патент идораси расмий ахборотномасида эълон киласди. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Талабнома берувчи Патент идораси сўровига кўра ёки ўз ташаббуси билан маълумотлар расмий ахборотномада босиб чиқарилгунига қадар талабнома материалларини тўлдириш, уларга аниқлик киритиш ва уларни тузатишга ҳақлидир. Текшириш натижаси салбий бўлса, Патент идораси талабнома берувчига расмий рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини билдирувчи ҳужжат топширади. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Расмий рўйхатдан ўтказиш тартибини, расмий рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувохнома шаклларини, уларда кўрсатиладиган маълумотлар таркибини Патент идораси белгилайди. Расмий ахборотномада эълон қилинадиган маълумотлар рўйхати ҳам Патент идораси томонидан белгиланади. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Рўйхатдан ўтказилган ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган барча мулкий ҳуқуқлар бутунлай ўзгаларга берилиши тўғрисидаги шартнома Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши лозим. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасига бўлган мулкий ҳуқуқларнинг ўзгаларга ўтказилиши тўғрисидаги шартномалар томонларнинг келишувига биноан Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши мумкин. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Реестрга киритилган маълумотлар токи акси исботланмагунга қадар тўғри деб ҳисобланади. Кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун талабнома берувчи жавобгар бўлади.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатга олиш ҳамда ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларидан фойдаланишга бўлган мулкий ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга харакатларни бажарганлик учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади. Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади. (ЎзР 30.08.2002 й. 405-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

10-модда. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларини бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказишга ёки уларни халқаро миқёсда рўйхатдан ўтказишга ҳаклидирлар.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказиш Патент идорасига талабнома топширилганидан кейин амалга оширилади. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

11-модда. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида фойдаланиш

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бошқа шахсларнинг (фойдаланувчиларнинг) фойдаланиши ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади, ушбу Қонуннинг 13-моддасида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базалари сотилганда ёхуд оммавий фойдаланувчилар учун бериб қўйилганда шартномалар тузишнинг алоҳида тартиби қўлланиши, хусусан ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг берилаётган нусхаларида шартноманинг типик талаблари баён этиб қўйилиши мумкин.

12-модда. ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларидан эркин нусха олиш ва уларнинг адаптацияси

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонунан эга бўлган шахс ҳуқуқ эгасидан қўшимча равишда рухсат олмаган ҳолда ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси ўз вазифасига монанд ишлаши билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, шу жумладан ЭҲМга ёзиб қўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, шунингдек аниқ кўриниб турган хатоларни тузатишга ҳаклидир. ЭҲМга ёзиб қўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, башарти, ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, битта ЭҲМ ёки шохобчадаги битта фойдаланувчига нисбатан йўл қўйилади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонунан эга бўлган шахс ҳуқуқ эгасининг розилигини олмай ва унга қўшимча ҳақ тўламай туриб (башарти, шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса), қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга ҳаклидир: ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини адаптациялашга; ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасини, ушбу кўчирма нусха архив мақсадларигагина мўлжалланган тақдирда ва қонуний тарзда олинган нусхани алмаштириш учун керак бўлиб қолган (ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг асл нусхаси йўқолиб қолган, йўқ қилинган ёки яроқсиз ҳолга келган) тақдирда ўzlари тайёрлашга ёки тайёрлаш учун топшириқ беришга. Бунда ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг кўчирма нусхасидан юқорида айтиб ўтилган мақсадлардан бўлак мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас ва ЭҲМ учун яратилган ушбу дастурдан ёки маълумотлар базасидан бундан буён фойдаланиш қонуний бўлмай қолса, улар йўқ қилиниши лозим.

ЭҲМ учун яратилган дастур нусхасига ҳақли равишда эгалик қилаётган шахс мазкур дастурнинг кодланиши ва тузилишини ўрганиш мақсадларида уни муаллифнинг ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг ёзма розилиги бўлган тақдирда ёки қуйидаги ҳолларда бундай розилик бўлмаса хам декомпиляция қилиши мумкин, агар:

декомпиляция қилиш натижасида олинган ҳамда мазкур шахс томонидан ишлаб чиқилган дастурнинг ЭҲМ учун яратилган бошқа дастурлар билан ўзаро ҳамкор ишлаши учун зарур ахборотни бошқа манбалардан олиш мумкин бўлмаса;

ЭҲМ учун яратилган дастурнинг факат бундай ҳамкор ишлашини йўлга қўйиш учун зарур бўлган қисмларининг ўзи декомпиляция қилинаётган бўлса;

декомпиляция натижасида олинган ахборотдан ифодасига кўра ЭҲМ учун яратилган, декомпиляция қилинаётган дастурга жуда ўхшаш бўлган ЭҲМ дастури ишлаб чиқиши, ишлаб чиқариш ёки тарқатиш учун фойдаланилмаса ёхуд бундай ахборот муаллифлик ҳуқукини бузадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш учун ишлатилмаса. (ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Конуни таҳриридаги қисм)

13-модда. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасини эркин олиб сотиши

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси нусхасига бўлган эгалик ҳуқуки ёки ўзга мулкий ҳуқуқлар ушбу нусхага эгалик ҳуқуки биринчи маротаба сотилганидан кейин ёки бошқача тарзда ўзгага ўтказилганидан кейин, ҳуқуқ эгасининг розилигини олмай ва унга қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда олиб сотилишига ёки бошқача усуlda ўзгаларга ўтказилишига йўл қўйилади.

14-модда. Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасининг муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари:

хукуклари тан олинишини;

хуқуқ бузилишига қадар мавжуд бўлган ҳолат тикланишини ва ҳуқуқни бузаётган ёки унинг бузилиши хавфини туғдираётган хатти-ҳаракатлар тўхтатилишини;

етказилган зарар унинг миқдорига ҳукуқбузар томонидан ғайриқонуний олинган даромад суммасини қўшган ҳолда қопланишини;

фойда кўрган ҳукуқбузардан етказилган зарар қопланиши ўрнига энг кам ойлик иш ҳақининг тегишли суд қарори билан белгиланадиган йигирма баробаридан минг баробаригача бўлган миқдорида товон тўланишини;

уларнинг ҳукуклари муҳофаза қилиниши билан боғлиқ қонунларда назарда тутилган ўзга чоралар кўрилишини талаб қилишга ҳақлиdir.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базаси муаллифи ва ўзга ҳуқуқ эгалари ўз ҳукуклари муҳофаза қилинишини сўраб тегишли судга мурожаат этишлари мумкин.

Суд ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг муаллифлик ҳуқуки бузилган ҳолда тайёрланган нусхаларини мусодара этиш ва уларни йўқ қилиб юбориш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан бундай нусхалар олишда фойдаланиладиган материаллар ва ускуналар суднинг қарори билан бюджет даромадига ўтказилиши ёхуд даъвогарнинг илтимосига биноан заарларни қоплаш ҳисобига берилиши мумкин.

15-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши

Ҳуқуқ эгаларининг мутлақ ҳукукларига тааллуқли ушбу Конун талабларининг жисмоний ёки юридик шахс томонидан бажарилмаслиги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши ҳисобланади.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ўзганинг номи билан чиқариш ёхуд ундан ғайриқонуний равишда нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тайёрланиши ёки улардан фойдаланилиши муаллифлик хукуқи бузилишига олиб келадиган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ёки маълумотлар базаларининг нусхалари қонун хужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилиши лозим.

16-модда. Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг хукуқлари
(ЎзР 05.04.2002 й. 364-II-сон Қонуни таҳриридаги модда)

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган хукуқлардан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равиша ёки ўзаролик принципи асосида фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И.А. КАРИМОВ